

ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Халилов Дониёр

ИИВ Академияси ўқитувчиси,

²Иброхимов Абдуғаффор

ИИВ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7479014>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги Фармони билан тасдиқланган “Халқ таълими тизимини 2030- йилгача ривожлантириш Концепцияси” да узлуксиз таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жаҳон таълим рейтингларида мамлакатимизни юқори поғоналарга олиб чиқиш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган¹. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 318-сон қарори бўлиб ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент вилоятидаги Тарбия колониясининг 5-умумтаълим мактабини Зангиота тумани халқ таълими бўлимининг 35-умумтаълим мактабига бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятидаги Тарбия колониясининг 5-умумтаълим мактаби мулкӣ негизда ушбу умумтаълим мактабининг филиалини ташкил этишди².

Кўриб турибмизки янги Ўзбекистонда нафақат озод фуқароларимизни ўқитиш балки жиноят содир этган шахсларни ҳам билимли қилиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, маҳкумлар учун узлуксиз таълим чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия беришда, маҳкумлардан мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, услуб, восита, усул ва йўналишларининг мукаммал уйғунлигига боғлиқдир. Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик, психологик ва дидактик талаблар маҳкумларнинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида

¹ Наргиза Д. Ёш ўқитувчиларга комплаенсни шакллантиришнинг психологик механизмлари. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. 1059 б. <https://cyberleninka.ru/article/n/yosh-ituvchilarga-komplaensni-shakllantirishning-psihologik-mehanizmlar>.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 318-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4290695>. Мурожат вақти: 06.10.2022 й.

мустақил ишлаш, келгусида жинойтларни олдини олиш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, касбига қизиқишини ошириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Озодликдан махрум этилган шахсларнинг умумий таълим ва касб-хунар ўқитишнинг бугунги вазифаси уларни кун сайин такомиллашиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилна фойдаланишга ўргатиш самарадорлигига эришишдир. Бунинг учун, уларга узлуксиз равишда бўш вақтларидан унимли фойдаланиш, ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур, фан, таррақиёт ва маҳкумларга таълим беришнинг энг аввалло унинг тажрибали касб-хунар эгаси бўлиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш вақти келди. Маҳкумларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларнинг билимга бўлган эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши учун тажрибали ЖИЭМ ходимларини фаолиятининг масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Энг асосий Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “озодликдан махрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 318-сон қарори билан бугунги кунда маҳкумлар учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим муассасалари ташкил этилди. Улар қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 24-сон тарбия колониясининг 5-умумтаълим мактаби.
2. Тошкент вилояти Зангиота тумани халқ таълими бўлими 35-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 21-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.
3. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани халқ таълими бўлими 12-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 7-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.
4. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими 22-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги

Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 13-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.

5. Навоий вилояти Навоий шаҳар халқ таълими бўлими 4-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Бешинчи минтақавий ҳудуд 4-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.

6. Навоий вилояти Қизилтепа тумани халқ таълими бўлими 5-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Бешинчи минтақавий ҳудуд 5-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги филиали.³

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими марказининг жазони ижро этиш муассасалари ҳудудида жойлашган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилаётган касб-хунарга таълими муассасалари ҳам мавжуд бўлиб. Булар қуйидагилар:

1. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 21-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги 22-сон касб-хунар мактаби.

2. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд Тарбия колонияси қошидаги 24-сон касб-хунар мактаби.

3. Қарши қурилиш касб-хунар коллежининг Қашқадарё вилояти 2-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги бўлими.

4. Косон шаҳар «Агробизнес» касб-хунар коллежининг Қашқадарё вилояти 10-сон жазони ижро этиш колонияси қошидаги бўлимлари ташкил этилган.

Шунингдек, қуйидагилар касб-хунарга ўқитиш марказларининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

Биринчидан, миллий ғояга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий бой, мустақил дунёқарашга эга ва мустақил фикрлайдиган баркамол шахсни шакллантириш;

Иккинчидан, давлат таълим стандартлари доирасида маҳкумларнинг сифат жиҳатидан юқори даражада билим олиши ва уларни касбга тайёрлашни таъминлайдиган умумтаълим ҳамда касб-хунар таълими

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 318-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4290695>. Мурожат вақти: 06.10.2022 й.

дастурларини амалга ошириш;

Учинчидан, маҳкумларни жазодан озод этилганидан сўнг жамиятга мослаштириш мақсадида меҳнат бозорида талаб этилган касбларни эгаллаши учун уларга меҳнат кўникмаларини сингдириш ва мустаҳкамлаш.

Қарор билан қуйидаги тартиб белгиланди:

- умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига бўйсунди;

- умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиалларида ўқувчи маҳкумлар сонидан қатъий назар синфлар очишга рухсат этилди;

- касб-хунарга ўқитиш марказлари мустақил юридик шахслар ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича ташкил этилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида бўлди;

- умумтаълим мактабларининг жазони ижро этиш муассасалари қошидаги филиаллари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари жазони ижро этиш муассасалари ҳудудида жойлаштирилади;

касб-хунарга ўқитиш марказларида маҳкумларнинг муайян турдаги ишларни бажариш учун зарур касбий билим ва меҳнат кўникмаларини эгаллашини тезлаштиришга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида таълим берилади;

касб-хунарга ўқитиш марказларининг раҳбарлари, педагоглари ва бошқа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази касб-хунар таълими муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган базавий тариф ставкаларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этиладиган бўлди.

Бундан ташқари касб-хунарга ўқитиш марказлари раҳбарлари ва педагог ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан; асбоб-ускуналар харид қилиш, умумтаълим мактабларининг филиаллари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари биноларини сақлаш (коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатлар), хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар

жасони ижро этиш муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлди.

Шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда пробация хизмати назорати остидаги шахслар меҳнат бозорида талаб этилган касбларни эгаллаши учун уларни ўқитишни ташкил этиш тўғрисида икки ой муддатда таклиф киритиши ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда касб-хунарга ўқитиш марказларида касб-хунарга қисқа муддатли тайёрлаш касбларининг рўйхатини ва касб-хунарга ўқитиш марказининг Уставини бир ой муддатда ишлаб чиқиб тасдиқлаши, шунингдек, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминланиши; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда, касб-хунарга ўқитиш марказларининг штат нормативларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаши; касб-хунарга ўқитиш марказларининг жазони ижро этиш муассасалари ҳудудида санитария қоидалари ва нормалари, гигиена нормативлари, стандартларга мос биноларда жойлаштирилишини, шунингдек, зарур ўқув асбоб-ускуналари, мебель, инвентарь ва бошқа мулк билан жиҳозланишини таъминланиши белгила қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, касб-хунарга ўқитиш марказларини давлат таълим стандартлари доирасида ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек, уларнинг кутубхона фондларини зарур ўқув-услубий адабиёт билан босқичма-босқич таъминланадиги бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологияларини босқичма-босқич жорий этишни назарда тутувчи Ҳаракатлар дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқиб тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига бир ой муддатда тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Маълумки, халқаро ҳуқуқда озодликдан маҳрум этишнинг мақсади

маҳкумларни реинтеграция қилиш, озодликка чиққандан кейин таълим, касб-хунар ўргатиш, меҳнат қилиш орқали қонунга бўйсунувчи ва мустақил ҳаёт тарзини олиб бориш имкониятини беришдир. Хорижда ҳам бизда ҳам Жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятдан асосий талаб маҳкумларга имкон қадар таълим олиш, таълим олиш имкониятини бериш, уни мамлакатдаги мавжуд таълим тизими билан боғлаш, саводсизларни ҳисоблашни ўргатиш мажбурий ва устуворлик (Нелсон Мандела қоидаларининг 104-банди, Европанинг 28.1-банди жазони ижро этиш қоидалари).

Бундан ташқари, Европа қоидалари қамоқхона режими доирасидаги таълим жойини меҳнат билан бир қаторда, муассасаларда таълим инфратузилмаси - кутубхоналар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини кўрсатади⁴.

Белгиланган халқаро тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, Испания ва Россияда маҳкумларни ўқитиш ва ўқитишни асосий мақсади ҳамда ўзига хос умумий хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда ўз аксини топади:

биринчиси, миллий таълим тизими, таълим дастурлари ва касбий таълим мазмуни билан боғлиқ тайёрлаш ва умумий фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ифодаланади;

иккинчиси, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятларига ишора қилади;

учинчиси эса таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда уни аниқлайди⁵.

Фикримизча, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг умумий таълим ва касб-хунар ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича ифодаланади:

Биринчидан, маҳкумларнинг таълим-тарбияси ва касбий тайёргарлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайдиган ҳуқуқий асосга асосланади. Испания ва Россия таълим соҳасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида таълим олишнинг ҳуқуқий имконияти белгилаб қўйилган, аммо унинг маиший таълим даражаси таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари анча юқори.

⁴ Козаченко Б. П. Международные правовые стандарты получения образования осужденными к лишению свободы // Вестник Кузбасского института. 2018. № 1(34). С. 145–152.

⁵ Сиряков, А. Н. Правовые нормы об образовании и о профессиональной подготовке осужденных к лишению свободы в Испании / А. Н. Сиряков // Уголовно-исполнительное право. – 2021. – Т. 16(1–4), № 4. – С. 485–494. – DOI : 10.33463/2687-122X.2021.16(1-4).4.485-4

Таълим бўйича Қомусимизда ҳам “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади”⁶ деб мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам маҳкумлар учун ушбу қоида амал қилаётганини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Иккинчидан, Ш. Қушбоқов такидлаганидек, ҳокимият ёки бошқа ваколатлар билан таъминланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари⁷ янада такомиллаштириш мақсадида. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни шакиллантириш орқали жамиятдаги миллий умум этироф этиладиган хулқ атвор қоидаларини ҳурмат руҳида тарбиялаш ва маҳкумлар қатламини зиёли қилиш. Мисол учун РФнинг Жазони ижро этиш муассасалари Бош котибиятининг 2019 йилги ҳисоботининг расмий статистик маълумотларига кўра⁸ Россия Федерал Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларнинг умумий сонидан 47% (тахминан 200 минг киши) Испанияда 36,6% (16227 киши) турли даражаларда таълим олган. Бундан ташқари, Россиянинг пенитенциар тизимида 0,2% (800 киши) бошланғич таълимни ўзлаштирган вақтда Испаниялик маҳкумларнинг умумий сонидан (21,1%) кўпи қисми бошланғич таълимни ўзлаштирган, улар саводсизликни йўқ қилди ва мажбурий асосий таълимга жорий қилди. Испаниялик маҳкумларнинг 8,4 фоизи масофавий ва ташқи тадқиқотлар орқали қабул қилинди; бакилавр даражаси - 1,3%; олий таълим 2,4% ни ташкил этди. Маҳкумларнинг 1 фоиздан камроғи таълим тизимида касб-ҳунарга ўқитишга жалб қилинган, жазони ижро этиш ва бандлик давлат органининг ҳисоботида кўрсатилган⁹.

References:

1. Наргиза Д. Ёш ўқитувчиларга комплаенсни шакллантиришнинг психологик механизмлари. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. 1059 б. <https://cyberleninka.ru/article/n/yosh-ituvcilarga-komplaensni-shakllantirishning-psiologik-mehanizmlar>.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/20596>. Мурожаат вақти: 06.10.2022й.

⁷ Қушбоқов, Ш. (2022). ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.

⁸ [http://www.interior.gob.es/web/archivos й-досументасион/досументасион-й-публисасионес/публисасионес-дессаргаблес/институсионес-пенитенсионес](http://www.interior.gob.es/web/archivos-й-досументасион/досументасион-й-публисасионес/публисасионес-дессаргаблес/институсионес-пенитенсионес)

⁹ Cabello, Ú. R. & López-Rib, J. M. 2019, ‘Consideraciones sobre la educación en prisión: un análisis de la realidad Española a partir de la lectura de Stateville’, *Papers*, iss. 104/3, pp. 597–598, viewed 15 October 2021, <https://papers.uab.cat/article/view/v104-n3-ruiz-lopez>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 318-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4290695>. Мурожат вақти: 06.10.2022 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 318-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4290695>. Мурожат вақти: 06.10.2022 й.
4. Козаченко Б. П. Международные правовые стандарты получения образования осужденными к лишению свободы // Вестник Кузбасского института. 2018. № 1(34). С. 145–152.
5. Сиряков, А. Н. Правовые нормы об образовании и о профессиональной подготовке осужденных к лишению свободы в Испании / А. Н. Сиряков // Уголовно-исполнительное право. – 2021. – Т. 16(1–4), № 4. – С. 485–494. – DOI : 10.33463/2687-122X.2021.16(1-4).4.485-4
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/20596>. Мурожаат вақти: 06.10.2022й.
7. Кушбоқов, Ш. (2022). ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ. Development of pedagogical technologies in modern sciences, 1(4), 58-63.
8. <http://www.interior.gob.es/web/archivos> й-дOCUMENTАСИОН/
DOCUMENTАСИОН-Й-ПУБЛИСАСИОНЕС/ПУБЛИСАСИОНЕС-
ДЕССАРГАБЛЕС/ИНСТИТУСИОНЕС ПЕНИТЕНСИОНЕС
9. Cabello, Ú. R. & López-Rib, J. M. 2019, ‘Consideraciones sobre la educación en prisión: un análisis de la realidad Española a partir de la lectura de Stateville’, Papers, iss. 104/3, pp. 597–598, viewed 15 October 2021, <https://papers.uab.cat/article/view/v104-n3-ruiz-lopez>.